

БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК МЕТОДЛАРИ

Вохобжонов Дилмурод Дилшодбек уғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси,*

Ҳамидалиев Асадбек Жасур ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
3-ўқув курси 317-гуруҳ курсанти.*

Аннотация: Ушбу мақолада бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари комплекс таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида соҳадаги сўнгги норматив-ҳуқуқий ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йирик бозорларда хавфсизликни таъминлашга оид ҳужжатларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Мақолада илк бор бозор инфратузилмасида CPTEД (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жинойатчиликни жилавлaш) концепциясини қўллаш, сунъий интеллект ва Face-ID тизимларини интеграция қилиш ҳамда криминологик хариталаш асосида «вазиятли профилактика»ни ташкил этишининг инновацион методлари асослантирилган. Яқунда профилактика инспекторининг тақдимномалари ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бозорлар, профилактика инспектори, CPTEД, сунъий интеллект, рақамли хавфсизлик, тақдимнома, вазиятли профилактика, криминологик хариталаш.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СИСТЕМЫ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ РЫНКОВ И ИННОВАЦИОННО- ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ЕЁ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация: В данной статье проводится комплексный анализ организационно-правовых основ системы профилактики правонарушений на территории рынков. В ходе исследования раскрывается теоретическое и практическое значение последних нормативно-правовых реформ, в частности Указов и Постановлений Президента Республики Узбекистан, а также документов Кабинета Министров по обеспечению безопасности на крупных рынках. В статье впервые обоснованы инновационные методы применения концепции CPTEД (предотвращение преступности через средовое проектирование) в инфраструктуре рынка, интеграции искусственного интеллекта и систем Face-

ID, а также организации «ситуационной профилактики» на основе криминологического картирования. В завершение выдвинуты научные предложения по совершенствованию административного законодательства в целях обеспечения исполнения представлений инспектора по профилактике.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, рынки, инспектор по профилактике, CPTED, искусственный интеллект, цифровая безопасность, представление, ситуационная профилактика, криминологическое картирование.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL FRAMEWORK OF THE CRIME PREVENTION SYSTEM IN MARKET TERRITORIES AND INNOVATIVE-TECHNOLOGICAL METHODS FOR ITS IMPROVEMENT

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the organizational and legal framework of the crime prevention system in market territories. The study reveals the theoretical and practical significance of recent legal reforms, particularly the Decrees and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, as well as Cabinet of Ministers' documents on ensuring safety in large-scale markets. For the first time, the article substantiates innovative methods for applying the CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design) concept in market infrastructure, the integration of Artificial Intelligence and Face-ID systems, and the organization of "situational prevention" based on criminological mapping. Finally, scientific proposals are put forward to improve administrative legislation in order to ensure the execution of submissions made by prevention inspectors.

Keywords: crime prevention, markets, prevention inspector, CPTED, artificial intelligence, digital security, submission, situational prevention, criminological mapping.

Марказий Осиё жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бозор феномени нафақат савдо муассасаси, балки жамият тузилиши ва маданий анъаналарини мужассам этган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Этимологик жиҳатдан "бозор" атамаси қадимги форсча *vāṣar* сўзидан келиб чиққан бўлиб, тарихан кўчманчи ва деҳқончилик маданиятлари ўртасидаги иқтисодий алмашинув маркази бўлиб келган.

Бироқ, одамлар оқимининг юқорилиги, нақд пул айланмасининг катталиги ва тижорат муносабатларининг серқирралиги бозор ҳудудларини криминологик жиҳатдан мураккаб объектга айлантиради. Бу ерда майда ўғирликлар, фирибгарлик, ноқонуний савдо ва жамоат тартибини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар эҳтимоли юқори бўлиб, уларнинг олдини олиш анъанавий назоратдан замонавий прогнозлашга асосланган профилактика тизимига ўтишни талаб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар

профилактикасини тизимли ташкил этишнинг институционал-ҳуқуқий пойдевори қуйидаги фундаментал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясига асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони. Ушбу ҳужжат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини «илмий диагноз» асосида ташкил этиш ва соҳани рақамлаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги «Маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш ва криминоген вазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-253-сон Қарори. Мазкур қарор асосида қабул қилинган «Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар Концепцияси» (ПҚ-1) бозорлар ва уларга туташ ҳудудлардаги ноқонуний савдо ҳамда тартибсизликларни бартараф этишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий механизмини жорий этди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 253-сон Қарори. Ушбу низом бозорлардаги савдо муносабатларини тартибга солиш ва иқтисодий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бошланғич маъмурий талабларни белгилайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 ноябрдаги «Йирик бозорлар ва савдо мажмуаларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 791-сон Қарори. Бу ҳужжат 2025 йил 1 мартдан бошлаб бозорларни замонавий видеокузатув тизимлари, сунъий интеллект ва «ташвиш» тугмалари билан мажбурий жиҳозлаш ҳамда ИИО Ситуацион марказларига интеграция қилишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий базасини тизимли таҳлил қилиш, аввало, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархик тузилиши ва уларнинг ўзаро функционал алоқадорлигини илмий англашни талаб этади. Зеро, мазкур соҳадаги ислохотларнинг мантиқий занжири юқори даражали стратегик дастурлардан тартиб, тор соҳавий регламентларгача бўлган яхлит тизимни ташкил этади. Ушбу ҳуқуқий иерархиянинг концептуал асоси ва ислохотларнинг «бошланғич нуқтаси» сифатида, аввало, ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан трансформация қилган стратегик ҳужжатнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишнинг фундаментал концептуал ва институционал-ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳужжат профилактика тизимини анъанавий реактив (воқеадан кейинги жавоб) моделдан замонавий проактив ва илмий асосланган «интеллектуал бошқарув» моделига ўтишини назарий жиҳатдан мустаҳкамлади. Фармоннинг методологик моҳияти бозорлар каби криминоген жиҳатдан динамик ва мураккаб объектларда жиноятчилик детерминациясини «илмий диагноз» асосида таҳлил қилиш, криминологик прогнозлаш механизмларини татбиқ этиш ҳамда профилактика инспекторининг мақомини жамоат хавфсизлигини таъминловчи асосий координатор даражасига кўтаришда ифодаланади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат рақамли технологияларни («Смарт-профилактика») бозор инфратузилмасига интеграция қилиш орқали латент жиноятчиликни барвақт жиловлаш стратегиясини белгилаб бериб, хавфсизликни таъминлаш жараёнини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бозор маъмурияти ва жамоатчиликнинг коллегиял масъулиятига асосланган яхлит экотизимга айлантириш имконини яратди.

Стратегик ҳужжатда белгиланган концептуал ғояларни амалий жиҳатдан «манзилли» ва «вазиятли» (situational prevention) механизмлар билан бойитиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита маҳалла ва бозорлар кесимида индивидуаллаштириш зарурати тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Юқорида таҳлил қилинган Фармон профилактиканинг умумий методологик асосларини яратган бўлса, ушбу стратегик ёндашувни аниқ ҳудудий ва объектбай профилактика чораларига трансформация қилиш, криминоген вазиятни маҳаллабай таҳлил қилиш асосида «манзилли» таъсир кўрсатиш механизми қуйидаги қарор ва концепцияда ўз ифодасини топган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон **«Маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш ва криминоген вазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Қарори ҳамда унинг негизида қабул қилинган «Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар Концепцияси» (ПҚ-1) бозорлар ва уларга туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини «манзилли ва вазиятли ёндашув» (situational prevention) тамойиллари асосида ташкил этишнинг янги сиёсий-ҳуқуқий парадигмасини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатнинг назарий моҳияти бозорларни нафақат муайян савдо объекти, балки маҳалланинг криминоген манзарасига бевосита таъсир этувчи ва атрофдаги ижтимоий муҳит билан узвий боғлиқ бўлган «криминоген дислокация ўчоғи» сифатида таҳлил қилишида ифодаланади. Концепцияда йирик бозорлар атрофидаги ноқонуний савдо расталари ва автотурагоҳларнинг тартибга

солинмаганлиги ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи тизимли муаммо сифатида қайд этилиб, уларни бартараф этишда профилактика инспекторига ҳудудий бошқарув ва координация қилиш бўйича кенгайтирилган функцияларни юклайди. Энг муҳими, ушбу ҳуқуқий асос халқаро илғор тажриба ҳисобланган CP TED (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепциясини миллий шаҳарсозлик ва профилактика амалиётига интеграция қилиш мажбуриятини белгилаб, жиноятчиликнинг олдини олишни илмий таҳлил ва архитектуравий ечимлар уйғунлигига асосланган проактив методология даражасига кўтарди. Бу эса бозор ҳудудларида профилактика фаолиятини фақатгина маъмурий-ҳуқуқий чекловлар эмас, балки муҳитнинг жиноятга қарши барқарорлигини оширишга қаратилган тизимли ёндашув сифатида талқин қилиш имконини беради.

Манзилли профилактика ва ҳудудий хавфсизликни таъминлашга қаратилган концептуал ёндашувларни бевосита бозорларнинг ички иқтисодий ва маъмурий фаолияти билан уйғунлаштириш, ушбу объектлардаги тартиб-таомилларни ҳуқуқий жиҳатдан қатъий регламентация қилишни тақозо этади. Жиноятларнинг олдини олиш бўйича вазиятли ёндашувларни бозор ички бошқарув тизими ва савдо муносабатларининг ҳуқуқий мезонларига трансформация қилиш, шунингдек, маъмуриятнинг профилактик масъулиятини белгилаш мақсадида, соҳадаги базавий маъмурий-тартибга солувчи ҳужжатнинг функционал аҳамиятини таҳлил қилиш талаб этилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 253-сон Қарори бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солувчи фундаментал базавий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг назарий-илмий аҳамияти шундаки, у бозор ҳудудини нафақат савдо майдони, балки қатъий белгиланган маъмурий регламентация ва назорат механизмига эга бўлган ҳуқуқий макон сифатида талқин этади. Қоидаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ўрни бозор маъмуриятининг жамоат тартибини сақлаш, қўриқлаш хизматини ташкил этиш ва санитария-гигиена нормаларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларини деталлаштириш орқали криминоген шарт-шароитларни минималлаштиришда ифодаланади. Хусусан, ҳужжатда товарларни турғун савдо шохобчаларидан ташқарида сотишни тақиқлаш, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари савдосига қўйилган чеклашлар ҳамда хорижий валютанинг ноқонуний айланмасига қарши чоралар иқтисодий жиноятларнинг барвақт профилактикаси (preventive economic control) моделини шакллантиради. Шу нуқтаи назардан, мазкур қарор профилактика инспектори учун бозор маъмурияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва савдо қоидаларини бузиш билан боғлиқ латент ҳуқуқбузарликларни аниқлашда муҳим детерминацион-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий маъмурий-ҳуқуқий регламентация ва инсон омилига асосланган назорат механизмлари жиноятчиликнинг трансформациялашуви ҳамда бозорлардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жадаллашуви шароитида хавфсизликни таъминлаш учун етарли бўлмай қолмоқда. Бу эса профилактика тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, яъни соҳани тўлиқ рақамлаштириш ва «интеллектуал хавфсизлик» элементларини бозор инфратузилмасига чуқур интеграция қилишни тақозо этмоқда. Шу сабабли, оддий маъмурий тартиблардан жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашда юқори технологик назорат тизимларини жорий этишнинг мажбурий меъёрларини белгиловчи навбатдаги муҳим ҳуқуқий асосни таҳлил қилиш ўринлидир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 ноябрдаги «Йирик бозорлар ва савдо мажмуаларида жамоат тартибини сақлаш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 791-сон Қарори бозорлар хавфсизлигини таъминлаш тизимини рақамли трансформация қилиш ва «технологик профилактика» (technological prevention) моделига ўтказишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг назарий моҳияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасини инсон омилига асосланган анъанавий кузатувдан сунъий интеллект ва алгоритмик таҳлилга таянувчи интеллектуал мониторинг даражасига кўтарганлигида ифодаланади. Қарор билан йирик бозорлар (300 ва ундан ортиқ турғун савдо шохобчасига эга объектлар) учун видеокузатув тизимларини ички ишлар органларининг Ситуацион марказларига мажбурий интеграция қилиш, «ташвиш» тугмалари ва овозли хабар бериш тизимларини жорий этиш каби техник талабларнинг белгиланиши, профилактика инспекторининг назорат функциясини «рақамли бошқарув» инструментида айлантирди. Илмий жиҳатдан ушбу механизм ҳуқуқбузарликларни реал вақт режимида аниқлаш ва тезкор бартараф этишнинг («Real-time crime prevention») ҳуқуқий кафолати бўлиб, бозор маъмурияти зиммасига техник хавфсизлик бўйича шахсий жавобгарлик юклаш орқали профилактиканинг ташкилий-ҳуқуқий таъсирчанлигини таъминлайди.

Ушбу таҳлил қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий-методологик ва институционал асосларини белгилаб берди. Бироқ, ушбу ҳуқуқий нормалар ва концептуал ғояларнинг амалий самарадорлиги бевосита объектнинг физик муҳити, архитектуравий тузилиши ва криминологик хавф зоналарини тўғри баҳолашга боғлиқдир.

Ҳуқуқий меъёрларни бозор инфратузилмасига трансформация қилиш, биринчи навбатда, жиноятчиликнинг олдини олишни «фазовий таҳлил» ва «вазиятли профилактика» (Situational Crime Prevention) тамойиллари асосида ташкил этишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, соҳадаги халқаро илғор тажриба ҳисобланган CPTED (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг

олдини олиш) концепциясини амалиётга татбиқ этиш мақсадида, бозор ҳудудининг намунавий криминологик хариталари ва ундаги «қайноқ нуқталар»нинг визуал моделларини таҳлил қилишга ўтамыз:



Биринчи схематик тархни таҳлил қилганда бозор муҳитининг архитектуравий-криминологик дизайни ва физик барқарорлиги бозор объектида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни «Атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликни жиловлаш» (CPTED) стратегияси асосида ташкил этишнинг амалий ифодаси яққол кўзга ташланади. Ушбу моделда физик муҳитнинг функционал хусусиятлари жиноий ниятни чеклашга хизмат қилувчи учта асосий илмий йўналишда намоён бўлади:

Кириш оқимини рақамли бошқарув тизими: Бозорнинг марказий кириш нуқтасида (Entrance) жойлашган Face-ID камераларининг операцион имкониятлари объектни «актив фильтрация» режимига ўтказди. Бу механизм Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон Фармонида белгиланган «Смарт-профилактика» тамойилига асосланган бўлиб, ҳудудга кириб келаётган шахсларнинг рақамли биометрик қиёфасини ҳуқуқ-тартибот идораларининг Ситуацион марказлари маълумотлар базаси билан интеграция қилишни таъминлайди.

Визуал қамровнинг максимал сатурацияси: Тасвирда акс этган 360 градусли ПТЗ камераси ва тунги ёритиш тизимларининг (Full night lighting) зичлиги «табiiй кузатув» (Natural Surveillance) принципини амалга оширади. Бунда ёруғлик ва техник кузатувнинг юқори даражаси жиноят содир этиш учун қулай бўлган «латент зоналар»ни (кўринмайдиган бурчакларни) бартараф этади ва потенциал ҳуқуқбузарда психологик тийиб турувчи таъсирни шакллантиради.

Лойиҳавий хавфсизлик ва тезкор сигнализация: Заргарлик ва қимматбаҳо буюмлар савдоси зоналарида (Jewelry Section) ўрнатилган «ташвиш» тугмалари (Panic Button) ва овозли хабар бериш тизимлари Вазирлар Маҳкамасининг 791-сон Қарори талабларига мувофиқ объектнинг физик ҳимояланиш даражасини (Target Hardening) оширади. Бундай ечим ҳуқуқбузарлик содир бўлаётган лаҳзада

инсон омилига таянмасдан, тизимли равишда тезкор бўлинмаларни воқеа жойига йўналтириш механизмини ишга туширади.

Иккинчи схематик тархни таҳлил қилганда дислокацион-зонавий прогнозлаш ва куч-воситаларни бошқаришнинг тактик моделини кўрамиз, унга кўра бозор ҳудудини функционал-криминологик жиҳатдан зоналаштиришнинг назарий моделини акс эттирилган. Ушбу моделнинг илмий моҳияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасини «фазовий-вақтли таҳлил» (Spatial-Temporal Analysis) асосида бошқаришда ифодаланади:

Периметр бўйича ҳудудий назорат механизми: Хаританинг ташқи чегаралари (Perimeter) ва автотураргоҳ (Parking Area) қисмларида назоратнинг кучайтирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-253-сон Қарори ҳамда ПҚ-1-сон Концепциясида белгиланган «манзилли профилактика» вазифаларини амалга оширади. Бунда бозор атрофидаги ноқонуний савдо ва тартибсизликларнинг криминологик ўчоқларини бартараф этиш учун «маҳалла еттилиги» ва ҳуқуқ-тартибот кучларининг ҳамкорликдаги дислокация нуқталари белгиланган.

Кўп босқичли ҳимояланган марказ (High-Value Target): Схеманинг марказий қисмидаги заргарлик зонасининг (Jewelry) атрофида бир неча назорат қатламларининг (ВКТ, пиёда патруль йўналишлари ва техник сигнализация) мавжудлиги Вазирлар Маҳкамасининг 253-сон Қарорида белгиланган бозор маъмуриятининг шахсий жавобгарлигини янги босқичга олиб чиқади. Бу зоналаштириш стратегияси ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган нуқталарга ресурсларни оптимал тақсимлашни назарда тутди.

Динамик кузатув ва патруллаш алгоритми: Харитадаги мобил патруль хизматлари (Mobile patrol services) ва кўриш йўлакларининг (Sightlines) техник воситалар билан мувофиқлаштирилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда «интеграциялашган назорат» моделини шакллантиради. Ушбу тактик схема профилактика инспекторига бозор ҳудудидаги вазиятни масофавий мониторинг қилиш ва СИ (Сунъий интеллект) таҳлиллари асосида патруль нарядларини энг хавфли йўналишларга тезкор қайта тақсимлаш имконини беради.

Юқоридаги визуал таҳлиллар шуни кўрсатадики, бозор ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақатгина маъмурий-ҳуқуқий чоралар билан чекланмасдан, балки архитектуравий дизайн, рақамли идентификация ва функционал зоналаштиришнинг яхлит занжирини ташкил этиши лозим. Ушбу икки ёндашувнинг (физик муҳит ва тактик режа) синтези бозорларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг истиқболли илмий-амалий ечими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш масаласи бугунги кунда нафақат маъмурий назоратни кучайтиришни, балки соҳани фундаментал илмий-технологик ва институционал трансформация қилишни

тақозо этмоқда. Ўтказилган тизимли таҳлиллар асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, соҳадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий база (ПФ–6196, ПҚ–253, ВМ–253 ва ВМ–791) профилактика фаолиятини анъанавий реактив моделдан замонавий «проактив ва вазиятли профилактика» парадигмасига ўтказиш учун етарли ҳуқуқий пойдевор яратди. Ушбу ҳужжатлар синергияси профилактика инспекторига нафақат жамоат тартиби посбони, балки бозор инфратузилмасини хавфсизлик талаблари асосида мувофиқлаштирувчи «тизим менежери» мақомини берди.

Иккинчидан, бозор ҳудудида ҳуқуқбузарликлар детерминациясини жиловлашда CPTEД (атроф-муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш) концепциясини татбиқ этиш ва объектни криминологик зоналаштириш энг самарали тактик ечим ҳисобланади. Визуал таҳлиллар шуни кўрсатадики, архитектуравий дизайн ва технологик қамровнинг (ВКТ, Face-ID, СИ) уйғунлиги жиноят содир этиш учун «қулай шароит»ларни жисмоний ва психологик жиҳатдан бартараф этади.

Учинчидан, профилактика самарадорлигини оширишнинг технологик мезони сифатида сунъий интеллектга асосланган мониторинг тизимларини Ички ишлар органларининг Ситуацион марказлари билан интеграция қилиш зарурлиги исботланди. Бу механизм «инсон омили»га боғлиқ бўлган хатоликларни камайтириш ва ҳуқуқбузарлик эҳтимолини олдиндан прогнозлаш (криминологик прогноз) имконини беради.

Тўртинчидан, ислохотларнинг мантиқий якуни сифатида, профилактика инспектори томонидан киритиладиган мажбурий тақдимномаларнинг ижро этилмаслиги учун бозор маъмурияти ва тадбиркорлик субъектларининг шахсий жавобгарлигини (МЖТКнинг тегишли моддаларида) кучайтириш лозим. Бу чора ҳуқуқий норма ва техник талабларнинг амалиётда сўзсиз бажарилишини таъминловчи «мажбурлов механизми» бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, яратилган ташкилий-ҳуқуқий база ва таклиф этилаётган инновацион-тактик усулларнинг синтези бозорларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш ва уларни криминологик жиҳатдан барқарор, юқори технологик ҳимояланган шунингдек фуқаролар учун хавфсиз ижтимоий маконга айлантиришнинг бош мезонидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

25. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.

- 26.** Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ. Научный Фокус, 3(30), 119-126.
- 27.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 127-133.
- 28.** АТАЖАНОВ, Ўткир Маматсалаевич, ЖАСУР, Ҳамидалиев Асадбек, et al. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. Научный Фокус, 2025, vol. 3, no 30, p. 163-171.
- 29.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
- 30.** Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.
- 31.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
- 32.** Адхамов, З. А. (2025). ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(5-2), 31-35.
- 33.** Kushbakov, D. (2021). Theoretical And Practical Issues Of Criminal Liability Of Persons With Mental Disorders In A Way That Does Not Exclude Sanity. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(10), 11-15.
- 34.** Мустофақулов, Бобур, and Жасур Абдухалилов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Журнал академических исследований нового Узбекистана 2.1, 2-qism (2025): 48-53.
- 35.** Қадамович Б. Ҳ., Ўғли Қ. Ж. Б. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАСПОРТ-ВИЗА ҚОИДАЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 34-41.
- 36.** Тиллаходжаев, Б., & Хасанбоев, С. (2025). МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ. Современные подходы и новые исследования в современной науке, 4(8), 88-94.